

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УТАМУРАДОВА ШАРИФА БЕКМУРАДОВНА

**T-ИОНЛИ КИРИШМАЛАР БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН КРЕМНИЙДА
НУҚСОНЛИ МАРКАЗЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШ ВА
РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Утамурадова Шарифа Бекмурадовна

Т-ионли киришмалар билан легирланган кремнийда нуқсонли
марказларнинг ҳосил бўлиш ва ривожланиш жараёнлари..... 3

Утамурадова Шарифа Бекмурадовна

Процессы формирования и развития дефектных центров в кремнии,
легированном примесями Т-ионов..... 23

Utamuradova Sharifa Bekmuradovna

The process of formation and development of defect centers in silicon,
doped with impurities of T-ions..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УТАМУРАДОВА ШАРИФА БЕКМУРАДОВНА

**T-ИОНЛИ КИРИШМАЛАР БИЛАН ЛЕГИРЛАНГАН КРЕМНИЙДА
НУҚСОНЛИ МАРКАЗЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШ ВА
РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/FM45 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида (fti-kengash.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Абдурахманов Кахар Паттахович физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Зайнабидинов Сирожиддин физика-математика фанлари доктори, профессор Баграев Николай Таймуразович физика-математика фанлари доктори, профессор Камалов Амангелди Базарбаевич физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети хузуридаги DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2б-уй. Физика-техника институти мажлислар зали. Тел./факс: (+99871) 235-30-41; e-mail: lutp@uzsci.net)

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2б-уй. Физика-техника институтининг маъмурий биноси, мажлислар зали. Тел./факс: (+99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

С.Л. Лутпуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.В. Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

С.А. Бахрамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Жаҳонда бугунги кунда материалнинг бир бирлик юзасига кўп сонли элементлар тўғри келадиган яримўтказгичли асбоблар ва интеграл схемаларни яратиш ва уларни ишлаб чиқариш микро- ва наноэлектроника ҳамда фотониканинг асосий ашёси ҳисобланган кремний структурасини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда Т-ионли киришмалар билан легирланган кремнийда нуқсон марказларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини тадқиқ этиш орқали яримўтказгичли қурилмалар параметрларини барқарорлаштиришнинг бошқариладиган усулларини яратиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда микро- ва оптоэлектроникани жадал ривожлантириш, маълум концентрациялардаги киришмаларни киритиш билан эришилган хилма-хил хусусиятли янгидан-янги материалларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, ўтувчи элементлар (Т-ионлар) киришмалари билан легирланган кремнийда нуқсон марказларининг турли факторлар таъсирида ҳосил бўлиш ва ривожланиш жараёнларини тадқиқ этиш, технологик киришмаларнинг ўтувчи элементлар киришмалари бор кремнийдаги чуқур марказлар ҳосил бўлиши механизмига таъсирини аниқлаш, Т-ионлар киришмалари ҳосил қиладиган чуқур сатҳларнинг электрон таркиби ва энергетик спектри ҳосил бўлишидаги қонуниятларни аниқлаш ҳамда термик, радиация ва босим таъсирида ҳосил бўладиган нуқсонларнинг ўтувчи элементлар киришмалари бор кремнийда структуравий нуқсонлар ҳосил бўлишига таъсирини ўрганиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг долзарб илмий йўналишларига эътибор сезиларли даражада кучайтирилди, хусусан, яримўтказгичли материалшунослик соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Кремнийни баъзи чуқур сатҳли киришмалар билан легирлашнинг инфрақизил нурланишга сезгир, тензосезгирлигининг ортиши ва бошқа муҳим хоссаларини келтириб чиқарувчи оптимал режимлари аниқланди. Турли киришмалар билан легирланган кремнийнинг сирти яқини соҳасидаги фазавий ўзгаришлар ва силицидлар ҳосил бўлиши ўрганилди ҳамда технологик режимларга боғлиқ ҳолда у ёки бу турдаги қатор силицидларнинг ҳосил бўлиши кузатилди, тайёр асбобларнинг тескари (қайтиш) характеристикаларининг тикланиш вақтини камайтириш мақсадида, кремнийли диффузион диодларда радиацион нуқсонлар спектрлари билан бошқариш усули ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, шу жиҳатдан яримўтказгичли микро- ва оптоэлектроника соҳаларида яримўтказгичли материалларнинг барча параметрларини назоратли бошқариш усулларини яратиш ва

монокристаллик кремнийда нуқсон ҳосил бўлиш жараёнларини аниқлашни чуқурлаштириш жуда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789–сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва ва ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлиги ривожланиши» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Яримўтказгичлар физикаси ва яримўтказгичли материалшунослик соҳаларидаги жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Мичиган университети (АҚШ), Токио университети ва Цукуба долзарб технологиялар маркази (Япония), Берлин техника университети (Германия), Цюрих тадқиқот маркази (Швейцария), Фонтис амалий фанлар университетида (Нидерландия), Физика-техника институти (Санкт-Петербург, Россия), Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ўтувчи элементлар киришмалари билан легирланган материаллар ва уларнинг асосидаги структураларини ўрганиш бўйича бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан, таркибида Т-ионли (Со, Ni ва бошқ.) киришмалар қатнашган кремний структуралари олинган (Токио университети, Япония); кремнийда ўтувчи элементларнинг ҳосил қиладиган парамагнит марказлари ва чуқур энергетик сатҳлари аниқланган (Берлин техника университети, Германия); яримўтказгичли кремнийнинг кристалл панжарасида марганец, германий ва никель атомлари нанокластерларини шакллантириш технологияси ишлаб чиқилган (Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон); арсенид-галлий асосидаги кўп қатламли фотосезгир структуралар тайёрлаш технологияси яратилган (Физика-техника институти, Ўзбекистон).

¹ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий изланишлар тавсифи A study of grown-in impurities in silicon by deep-level transient spectroscopy // Solid-State Electronics, V. 46, B.11, p.1039-1051, (2003)га асосан амалга оширилди.

Дунёда легирланган кремнийда нуқсонли марказларнинг ҳосил бўлиш ва ривожланиш жараёнларини тадқиқ бўйича қуйидаги қатор устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан никель ва марганец билан легирланган кремний асосида фото- ва тензосезгир структуралар яратиш; легирланган кремний асосида намлик ва ҳарорат датчикларини ишлаб чиқиш; яримўтказгичли материаллар асосида каналда киришмаларнинг манфий градиентли фотосезгир майдон транзисторларини ва функционал характеристикалари такомиллаштирилган асбобларни яратиш; ўтувчи элементлар киришмалари мавжуд кремнийда термик ва радиацион нуқсонлар ҳосил бўлишини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё амалиёти кўрсатадики, турли структуралар ва асбобларни ишлаб чиқариш давомида, яримўтказгичли пластиналарга ишлов бериш жараёнларида нуқсонларнинг, энг аввало, панжарадаги максимал ҳаракатланувчанлик билан аниқланадиган нуқтавий нуқсонларнинг ўзаро таъсирлашуви бўлади. Яримўтказгичлар физикаси ва яримўтказгичли нано- ва микроэлектроника соҳаларининг чет эллардаги таниқли мутахассислар (Lemke H., Grimmeiss H.G., Graff K., Pieper H., Омельяновский Э.М., Фистуль В.И., Weber E.R.) томонидан ўтказилаётган тадқиқотлардан олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, турли чуқур сатҳли яримўтказгилар, айниқса, улар орасида муҳим ўринда турувчи ўтиш элементларининг киришмалари мавжуд кремнийли яримўтказгичларнинг оптик, люминесцент, резонанс ва бошқа хоссаларини тажрибавий (амалий) ўрганиш, ҳозирда такомиллашган бўлмасада, чуқур марказларнинг умумий моделини тузишга имкон беради.

Чуқур сатҳли киришмали атомнинг электрон структурасини моделлаштириш вазифаси бунданда умумийроқ масала – чуқур киришмали сатҳлар назариясини тузиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирга келиб, назария яримўтказгичлардаги нуқсонларнинг одатий ярим эмпирик тавсифланишидан юқори даражада деталлаштирилган аниқ тизимларнинг миқдорий таърифига ўтиб кетган. Мазкур босқичда киришмаларнинг ҳулқ-атворидаги фарқлар ва ўзига хос хусусиятлари энди аниқ ва равшан очиб берилган. Ўрганиб бориш давомида янги эффектлар кузатилган киришма-вакансия, киришма-киришма ва бошқа комплексларнинг ҳолатлари ва ҳулқ-атворларини тавсифлашдаги аҳамиятли силжишлар ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

А.А.Лебедев, В.И.Фистуль, Л.С.Берман, Баграев Н.Т., А.Т.Мамадалимов, Ш.Махкамовларнинг ишларида кремнийдаги бир қатор чуқур сатҳларнинг қайд этилиши ўрганилган ва уларнинг энергетик параметрлари аниқланган.

К.П.Абдурахмановнинг ишларида, олинган натижалар асосида, тайёр асбобларнинг тесқари характеристикаларини тиклаш вақтини камайтириш мақсадида, кремнийли диффузион диодлардаги радиацион нуқсонлар спектрини бошқариш усули ишлаб чиқилган. М.К.Бахадирханов, С.З.Зайнабидиновлар томонидан турли чуқур сатҳли киришмаларни

киритиш йўли билан олинган компенсирланган кремний асосидаги яримўтказгичлар параметрларини яхшилаш имконияти кўрсатиб берилган.

Назарий ва амалий (тажрибавий) маълумотларнинг жуда кўплигига қарамай, то шу пайтга қадар, атайлаб ўтувчи элементлар киришмалари билан легирланган кремнийда юз берадиган физик ҳодисаларнинг табиати ва бу жараёнлардаги бошқарилмайдиган технологик киришмалар ҳолатларининг роли тушунтириб берилмаган, Т-ионлар киришмалари билан легирланган монокристалл кремний структуравий нуқсонларининг ҳосил бўлиш ва ривожланиш жараёнлари ўрганилмай қолапти.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган Олий таълим муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқотлар режасининг ОТ-Ф2-081-рақамли «Кремнийнинг киришма-нуқсонли ассоциат (бирикмали) монокристалларида дефект ҳосил бўлиши қонуниятларини ва яримўтказгич-диэлектрик бўлиниш жойларида яширин чегаралар пайдо бўлишининг динамик жараёнларини ўрганиш» (2007–2011 йй.); ИТД-14-035-рақамли «Кремнийли МДП-структуралари параметрларининг барқарорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.), ИТД-4-43-рақамли «Кремнийли МДП-структуралари компонентлари–кийин эрувчи элементларнинг наноструктураланган силицидларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.), А-3-116+А-4-30-рақамли «Радиацияга юқори барқарор легирланган кремний ва кремнийли диод структураларни олиш технологиясини ва кремнийли қуёш элементларининг фотосезгирлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.), ОТ-Ф2-11-рақамли «d-элементлар киришмалари билан легирланган кремнийнинг сирт қатламларида ва хажмида наноўлчамли нуқсонларнинг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Т-ионлар киришмалари билан легирланган монокристаллик кремнийнинг нуқсонли структурасини ҳосил бўлиш ва ривожланиш жараёнларини ҳамда чуқур марказлар ҳосил бўлиши жараёнига технологик, ноёб ер элементлари ва изовалент киришмаларнинг таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўтувчи элементлар (Т-ионлар) киришмалари билан легирлашнинг физик-кимёвий аспекти ва технологиясини ишлаб чиқиш;

кремнийнинг тақиқланган соҳасида Т-ионлар ҳосил қиладиган чуқур сатҳларнинг энергетик спектрини аниқлаш ва уларни электрон ҳолатлари билан идентификация қилиш;

Т-ионларнинг чуқур марказлари ҳосил бўлиш самарадорлигига технологик факторлар таъсирини аниқлаш;

ИК-спектроскопия ёрдамида, кремнийдаги Т-ионлар киришмаларининг технологик киришмалар (кислород ва углерод) билан ўзаро таъсирини аниқлаш;

Т-ионлар киришмалари билан легирланган монокристалл кремний структуравий нуқсонларни ҳосил қилиш ва ривожланишининг физик жараёнларини тадқиқ этиш;

Т-ионлар киришмалари мавжуд бўлган кремнийда структуравий нуқсонларининг ривожланишига иссиқлик, нурланиш ва босим нуқсонлари таъсирини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўтувчи элементлар (Т-ионлар) киришмалари билан легирланган кремний олинган.

Тадқиқотнинг предметини Т-ионлар киришмалари билан легирланган монокристаллик кремнийдаги структуравий нуқсонларнинг ҳосил бўлиш ва ривожланиш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Чуқур сатҳларининг ностационар сифимли спектроскопияси (DLTS), фотосифим (ФЕ), электрон парамагнит резонанс (ЭПР), инфрақизил спектроскопия (ИК) ва автордиография усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор чуқур сатҳларининг ностационар сифимли спектроскопияси (DLTS) ва электрон парамагнит резонанс (ЭПР) ёрдамида, кремнийда Т-ионлар киришмалари (марганец, темир, хром, кобальт ва бошқалар) ҳосил қиладиган ионлашиш энергияси айна миқдордаги ва тутиш кесимига эга бўлган чуқур сатҳларни (энергетик спектрини) парамагнит марказларнинг электрон структураси билан идентификация қилинган;

ўтувчи элементлар (Т-ионлар) киришмалари билан кремнийни легирлашнинг физика-кимёвий аспекти ва технологияси такомиллаштирилган;

Т-ионлар киришмалари билан легирланган монокристаллик кремнийнинг нуқсонли структурасини ҳосил бўлиши ва ривожланиши турли технологик факторларга яъни, кристаллнинг айна вақтдан олдинги термик ҳолати ва структуранинг такомиллиги, қиздирилиш ҳарорати ва легирлашдан сўнгги совутилиш тезлиги, ундан олдинги паст ва юқори ҳароратли ишлов беришлар, шунингдек, кремнийни ўтувчи элементлар билан легирлаш усулига боғлиқлиги исботланган;

кремнийга киритилган Т-ионлар киришмалари (Mn, Fe, Cr, Co) технологик киришмалар (кислород ва углерод) билан ўзаро таъсирлашуви натижасида киришмани киритиш усули ва уни турига боғлиқ равишда оптик фаол кислород (от 10 до 50%) концентрациясининг камайиши аниқланган;

сифимли спектроскопия усули билан монокристаллик кремнийга 450–550⁰С ва 900–1200⁰С ҳароратлар оралиғида ҳар хил вақтда берилган термик ишловлар натижасида кислороднинг интенсив препитацияси ва ўлчамлари 10–100 мкм ни ташкил этадиган 2-фазанинг ажралмалари (SiO₂ ва SiO₄ заррачалари) ҳосил бўлиши исботланган;

Т-ионлар киришмалари мавжуд бўлган кремний намуналарида марганец киритишнинг одатий режимида, ноаниқ шаклдаги (~500 Å ўлчамли) ва катта

зичликдаги заррачалар, яъни қўшимча фаза (марганец силикати) рентген топографияси ва электрон микроскопия усуллари билан аниқланган;

Т-ионларнинг махсус киритилган киришмалар билан киришмалараро таъсирлашуви назорат қилинмайдиган киришмаларни кремний ҳажмидан юза қисмига локал геттерланишига олиб келиши аниқланган;

Т-ионлар киришмаларини белгиланган миқдорий мутаносибликда киритиш йўли билан термик ва радиациявий нуқсонларнинг самарадорлиги 0.5-1.0 тартибга пасайиши аниқланган ва параметрларнинг термик барқарорлиги ва радиациявий чидамлилигини ошириш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Технологик маршрутнинг турли босқичларида структураларнинг нуқсонлигини босқичма-босқич назорат қилиш усули ишлаб чиқилган ва айрим технологик операциялар жараёнида қатор термик ва киришмали нуқсонлар пайдо бўлиши исботланган. Кремнийда турли бошқарилмайдиган киришмаларнинг фаоллигини йўқотиш ва кутилмаган нуқсонли марказлар концентрациясини, ноёб ер элементи туридаги нейтрал киришмаларни киритиш йўли билан 5-6 баробарга камайтириш усуллари топилган.

Темир киришмаларини диффузиявий қиздириш жараёнида Si сиртига қопланган Т-ионлар киришмаларини самарали геттерлаш кремний намуналарининг ҳажмидаги асосий бўлмаган заряд ташувчилар яшаш вақтининг 5-6 марта ортишига олиб келиши кузатилган. Бу эса, ўз навбатида, Si асосидаги термик барқарор ва радиацияга чидамли материал ва структураларни олишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги юқори сезгирликка ва ажратиш қобилиятига эга бўлган чуқур сатҳларнинг ностационар сиғимли спектроскопияси, фотосиғим, электрон парамагнит резонанс, инфрақизил спектроскопия ва автордиография усуллариининг қўлланилганлиги билан исботини топган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўтувчи элементлар киришмалари билан легирланган монокристаллик кремний ва кремнийли структураларда кечадиган физик жараёнлар ҳақидаги тасавурларни кенгайтириш имконини беришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки барқарор параметрларга эга бўлган яримўтказгичли структураларни яратишда ишлатиш мумкин бўлган кремнийни Т-ионлар элементлари киришмалари билан легирлашнинг физик-кимёвий аспектларини ва технологиясини ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш. Т-ионлар киришмалари билан легирланган монокристаллик кремнийнинг нуқсонли структурасини ҳосил бўлиш ва ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилиш натижалари асосида:

структуралар нуқсонлилигини технологик маршрутнинг турли босқичлари учун ишлаб чиқилган босқичма-босқич назорат қилиш усули

«FOTON» акциядорлик жамиятида M32-63 диодлар ва M208 симисторлардаги мавжуд бўлган назорат қилинмайдиган нуқсонлар миқдорини кескин камайтириш учун ишлатилган («Узэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2017 йил 25 сентябрдаги 02-1954-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ноёб ер элементлари каби нейтрал киришмаларни киритиш йўли билан назорат қилинмайдиган нуқсон марказлари концентрациясини 5–6 марта камайтириш имконини берган;

кремнийни диффузиявий қиздириш жараёнида кремний намуналарида асосий бўлмаган заряд ташувчилар яшаш вақтининг 5-6 баробар ортишига олиб келадиган, темир киришмаларини Т-ионлар киришмалари билан самарали геттерлаш бўйича олинган натижалар «FOTON» акциядорлик жамияти томонидан кремний асосидаги термик барқарор ва радиацияга чидамли материаллар ва структуралар олишда ишлатилган («Узэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2017 йил 25 сентябрдаги 02-1954-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши Т-ионлар киришмалари билан легирланган кремний асосида ўртача қувватли кремнийли диодларнинг иссиқликка чидамлилигини оширган;

термик барқарор ва нурланишга чидамли материалларни олиш ҳамда кремний ҳажмида наноўлчамли дефектларни Т-ионлар киришмаларини киритиш йўли билан ҳосил қилиш технологияси А-3-73 рақамли “Яримўтказгичли материалларда кластерли киришма атомлари тақсимоти ва концентрациясини бошқариш қурилмасини яратиш ва ишга тушириш” лойиҳасида кластерли яримўтказгичларни барқарорлаштириб, кластерли киришма атомлари тақсимоти ва концентрациясини бошқариш қурилмасини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 20 сентябрдаги ФТА-01-02/690-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгичлардаги кластерлар концентрацияси ва тақсимотини самарали бошқариш имконини берган.

Ишнинг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 20 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 45 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола нашр этилган (рўйхат автореферат сўнгида келтирилган).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, 145 номдаги адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 46 та расм ва 3 та жадвални ўз ичига олган 210 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича ҳалқаро илмий-тадқиқотларнинг шарҳи, муаммонинг ўрганилиш даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Кремнийда нуқсонларнинг ҳосил бўлишидаги айрим хусусиятлари” деб номланган биринчи бобда ўтувчи киришмаларнинг кремнийда ҳосил қиладиган барча чуқур сатҳларининг параметрлари тизимлаштирилган ва кремнийга мазкур киришмаларни киритилганда уларнинг ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар тавсия этилган. Асосий йўналиш сифатида, d-қобиғи тўлдирилмаган кремнийдаги киришмаларнинг ҳолати тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар ёзилган, бундан ташқари уларнинг бошқа киришмалар билан ўзаро таъсирини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган. Легирланган кремнийга турли ташқи таъсирлар факторларини ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати таҳлили ҳам келтирилган.

Кремнийдаги нуқсоний структураларнинг ривожланишга олдиндан иссиқлик ишлови бериш таъсири батафсил ўрганилган. Мазкур бобнинг охирида, электронейтрал ва фаол бўлмаган киришмалар билан легирланган кремнийда ҳосил бўладиган нуқсонларни ўрганиш бўйича натижалар келтирилиган.

Хулосаларга асосан диссертация тадқиқотининг вазифалари ишлаб чиқилган.

“Кремнийда чуқур марказли нуқсонларнинг мавжуд бўлганда ностационар сиғимли спектроскопиянинг хусусиятлари” деб номланган иккинчи бобда чуқур сатҳлар мавжуд бўлган кремнийда ностационар сиғимли спектроскопия усулининг асослари баён этилган. Чуқур сатҳлар кенглигининг DLTS чуққи шаклига таъсири таҳлил этилган. Турли режимларда ишловчи DLTS спектрларини ўлчаш методикаси баён этилган. Ўтувчи металллар (Т-ионлар) билган легирланган кремнийни технологияси ва физика-кимёвий хусусиятлари ёзилган.

Технологик жараённинг турли жабҳаларида структуравий нуқсонларнинг ҳолатини назорат қилиш бўйича ишлаб чиқиш йўллари баён этилган.


Илмий натижаларни қўллаш натижасида ноёб ер элементлар типидagi электронейтрал киришмаларни киритиш орқали керак бўлмаган нуқсонлар маркази концентрациясини 5-6 баробарга пасайтиришга олиб келиши аниқланган.

Иссиқликка ва радиацияга чидамли материаллар олиш бўйича ишлаб чиқилган технология ва Т-ионли киришмаларни кремний ҳажмига киритиш

орқали наноўлчамли нуқсонларни ҳосил қилиш технологияси баён этилган.

“Т-ионли киришмаларни билан легирланган монокристалл кремнийда структуравий нуқсонларнинг ҳосил бўлиш жараёнларни тадқиқ этиш” деб номланган учинчи бобда ўтувчи элементлар (Т-ионлар) билан легирланган кремнийдаги нуқсонларни ҳосил бўлиши жараёнларни DLTS ва фотосиғим (ФС) усуллари ёрдамида олинган тадқиқот натижалари келтирилган.

DLTS ва ФС комплекс усуллари ёрдамида нуқсонларни ҳосил бўлиш жараёнларини тадқиқ орқали, диффузия усулида марганец киритилган кремнийда тўрта чуқур сатҳлар яъни ионизация энергиялари $E_c-0.13$ эВ, $E_c-0.20$ эВ, $E_c-0.42$ эВ ва $E_c-0.54$ эВ тенг эканлиги кузатилган. Бундан ташқари хар бир энергетик сатҳга тўғри келувчи заряд ташувчиларнинг кесим тутиши мос равишда $\sigma_n = 7 \cdot 10^{-14}$ см², $6 \cdot 10^{-17}$ см², $7 \cdot 10^{-15}$ см² ва $3 \cdot 10^{-14}$ см² тенг эканлиги аниқланган.




1-расм. Диффузия температураси $T_{\text{диф}}^{\circ}\text{C}$: 1-1000, 2-1250 тенг бўлган n-Si<Mn> нинг DLTS спектри

Фотосиғим спектрларига кўра (2-расм) n-Si<Mn> да $h\nu \sim 0.20$ эВ, $h\nu \sim 0.42$ эВ и $h\nu \sim 0.54$ эВ тенг энергияларда сиғим релаксацияси кузатилмоқда. Мазкур спектрларни таҳлили шуни кўрсатдики, ионизация энергиялари $E_c - 0.20$ эВ $E_c - 0.42$ эВ и $E_c - 0.54$ эВ тенг бўлган учта чуқур марказлар мавжуд эканлиги кузатилган. Индуцирланган фотосиғим (ИФС) спектрида эса битта пағона (2-расм, 2-чизиқ) яъни ионизация энергияси $h\nu \sim 0.41$ эВ тенг бўлган битта чуқур сатҳ кузатилмоқда.

DLTS ва ФС спектрларининг таҳлилига кўра, иссиқлик ва оптик усуллар билан олинган энергиялар қиймати n-Si<Mn> да улчаш хатоликлари орасида эканлиги аниқланди.


Марганец билан легирланган кремнийда чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлиши эффективлиги: диффузия температураси ва совутиш тезлиги ортиши билан марганецга тегишли чуқур сатҳлар концентрациясининг ошиши кузатилган.



2-расм. n-Si<Mn> билан легирланган кремнийнинг ФС ва ИФС спектрлари

Электрон парамагнит резонанс (ЭПР) усули ёрдамида n-Si<Mn> намуналарида изоляцияланган Mn^- , Mn^0 ва $(Mn^0)_4$ кластери аниқланган. Аниқланган чуқур сатҳлар марганец атомлари парамагнит марказлар билан боғлиқлиги қайд этилган.


Диффузия ва ўстириш жараёнида хром атомлари киритилган кремнийдаги номувозанатий жараёнлар тадқиқ этилган. Диффузия усули билан хром атомлари кремнийга киритилганда ҳосил бўладиган чуқур сатҳлар ионизация энергиялари ва заряд ташувчилар кесим тутиши: $E_c-0.21$ эВ, $\sigma_n = 2 \cdot 10^{-15}$ см², $E_c-0.41$ эВ, $\sigma_n = 6 \cdot 10^{-16}$ см² ва $E_c-0.51$ эВ, $\sigma_n = 1 \cdot 10^{-16}$ см² ва p-Si<Cr> намуналарида эса иккита $E_v+0.21$ эВ, $\sigma_p = 7 \cdot 10^{-15}$ см² ва $E_v+0.41$ эВ, $\sigma_p = 3 \cdot 10^{-15}$ см² тенг чуқур сатҳлар кузатилган (3-расм).



3-расм. n-Si<Cr> билан легиранган намуналарнинг DLTS спектрлари

Ионизация энергиялари $E_c - 0.21$ эВ ва $E_v + 0.41$ эВ га тенг бўлган чуқур сатхлар иссиқлик ишлови берилган назорат намуналарида ҳам кузатилмоқда, лекин уларнинг концентрацияси легирланган намуналарга нисбатан анча кам эканлиги кўрсатилган. Ионизация энергиялари $E_c - 0.41$ эВ, $E_c - 0.51$ эВ ва $E_v + 0.21$ эВ тенг бўлган энергетик сатхлар технологик режимларга ($T_{\text{диф}}$ ва $V_{\text{сов}}$) боғлиқ эканлиги аниқланган. Олинган натижаларга кўра $T_{\text{диф}}$ ва $V_{\text{сов}}$ лари қанча катта бўлса, юқоридаги энергетик сатхлар концентрацияси шунчалик катта бўлиши кузатилган.

Диффузия усулида хром атомлари кремнийга киритилгандаги ИҚ-ютилиш спектрларига кўра (4-расм), Cr атомининг кремнийда мавжудлиги, бошқа Т-ионлар киришмалари каби, кремний ҳажмидаги кислороднинг ютилиш чуққисининг камайишига, яъни оптик фаол кислородни концентрациясининг камайишига олиб келиши аниқланган. Бунда хром концентрацияси қанчалик кремний ҳажмида кўп бўлса, $N_0^{\text{опт}}$ шунчалик камайишига олиб келиши аниқланган.




1 - назорат намунаси. $T_{\text{диф}}$: 2 - 1000°C ,
3 - 1100°C , тез совутилган

4-расм. Диффузия усулида Cr билан легирланган кремнийнинг ИҚ-ютилиш спектри

Шундай қилиб, диффузия усулида хромни кремнийга киритишда орқали Cr ва O типдаги электронейтрал ва оптик нофаол комплекслар ҳосил бўлиши мумкинлиги айtilган.

Диффузия усулида кобальтни кремнийга киритилгандан сўнг, унинг солиштирма қаршилигини (ρ) профили Si сиртидан унининг маълум ички қатламигача бўлган тақсимоти ўрганилган (5-расм). Олинган натижаларга кўра $\text{Si}\langle\text{Co}\rangle$ ва барча Т-ионли киришмаларда erfc -функцией кўринишида эмас, балки иккита қисмдан иборат эканлиги аниқланган. Бошланишида ρ нинг 1 тартибга кескин ошиши ва чуқурлиги ~ 60 мкм дан кейин ρ нинг


стабиллашуви ва чуқурлик бўйича тақсимоти ҳам ўзгармаётганлиги кузатилмоқда.



5-расм. Si<Co> билан легирланган кремнийнинг (1,2) Si назорат намунасини (3) солиштирма қаршилигининг ρ чуқурлик бўйича тақсимоти

Назорат намуналарида эса ρ нинг чуқурлик бўйича тақсимоти ўзгармас эканлиги кўрсатилган (5-расм, 3-чизик).

Co атомлари билан легирланган кремнийни сиғимли спектроскопия усули билан улчанганда ионизация энергиялари $E_c - 0.20$ эВ, $E_c - 0.33$ эВ,



6-расм. n-Si<Co>(1) ва n-Si назорат (2) намуналарининг типик DLTS спектрлари

$E_c - 0.45$ эВ, $E_c - 0.55$ эВ n-Si<Co> намуналарида тўртта чуқур сатҳ ва заряд ташувчилар кесим тутиши мос равишда $\sigma_n = 4 \cdot 10^{-17}$ см², $\sigma_n = 2 \cdot 10^{-15}$ см², $\sigma_n = 1.1 \cdot 10^{-15}$ см² ва $\sigma_n = 1.5 \cdot 10^{-15}$ см² тенг эканлиги аниқланган (6-расм).

Олинган натижалар солиштирилганда, охириги учта чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлиши технологик факторларга боғлиқлиги яъни диффузия температураси ва совутиш тезликларига боғлиқлиги аниқланган). Ионизация энергияси $E_c - 0.20$ эВ ва тенг бўлган чуқур сатҳ иссиқлик ишлови берилган

назорат ва легирланган намуналарида ҳам кузатилмоқда, лекин бу энергетик сатҳли марказ иссиқлик нуқсонига тегишли эканлиги кўрсатилган.

p-Si<Co> намуналарда эса тақиқланган зонанинг паст қисмида $E_c - 0.32$ эВ га тенг бўлган битта чуқур сатҳ мос равишда заряд ташувчилар кесими тутиши заряда $\sigma_p = 2 \cdot 10^{-16} \text{ см}^2$ тенг чуқур сатҳ кузатилган.


Марганец, хром ва кобальт легирланган кремний намуналарида паст ҳароратли ишлов бериш кинетикаси ўрганилди ва Т-ионли киришмалар юқори мигрицион қобилиятга ва улар ҳосил қилган чуқур марказлар параметрлари эса ностабил эканлиги кўрсатилган. Биз ўрганаётган Т-ионли барча киришмаларнинг чуқур марказлари изотермик куйдиришда икки қисмдан иборат эканлиги 7-расмда келтирилган.

Барчага маълум бўлган кесим усулида Т-ионли киришмалар активация энергияси куйидаги ифодага нисбатан:

$$\ln \frac{t_1}{t_2} = \frac{E_{омж}}{K} \left(\frac{1}{T_1} - \frac{1}{T_2} \right),$$

баҳоланган. Бу ерда t_1 и t_2 – вақтлар маълум T_1 ва

T_2 ($T_1 < T_2$) температураларда чуқур сатҳлар концентрациясининг маълум (бир хил) қийматгача камайиши.



7-расм. Турли паст хароратли ишлов бериш натижасидаги n-Si<Cr> нинг куйдириш кинетикаси

Ҳисоб-китобларга кўра, марганецнинг кремнийдаги $E_c - 0.42$ эВ ли чуқур сатҳи активация энергияси 0.50 ± 0.02 эВ, $E_c - 0.54$ эВ сатҳ учун 1.8 ± 0.02 эВ тенг эканлиги, хромга тегишли $E_c - 0.41$ эВ сатҳ эса 0.55 ± 0.02 эВ, $E_c - 0.51$ эВ сатҳ эса 1.7 ± 0.02 эВ тенг эканлиги аниқланган. Бошқа Т-ионли киришмалар ҳам худди шунга ўхшаш қийматларга эга эканлиги аниқланган.


“Т-ионлар билан легирланган кремний монокристаллининг структуравий нуқсонлар ривожланиши жараёнидаги тадқиқотлар” деб номланган тўртинчи бобда бошланғич кремний нуқсонли структураларига олдиндан термик ишлов бериш ва Т-ионли киришмалар мавдуд кремнийда

структуравий нуқсонларининг ривожланишига юқори ҳароратли ишлов бериш таъсири ўрганилган.

Монокристалл кремнийга турли хил юқори ҳароратли ишловлар бериш, структуравий нуқсонларнинг ўзгаришига олиб келиши кузатилган. Бунда технологик киришмаларни турли ассоциялашган (боғланган) ҳолатлар ҳосил бўлиши кўрсатилган, масалан, кислород атомлари кремнийда. Технологик киришмалар ҳолатларини нуқсонлар ҳосил бўлиш жараёнидаги ролини ўрганиш мақсадида ва бошланғич кремнийда атомар кислород О ли диффузион қатламга эга, кремний сиртида SiO_2 пардага ва кремний ҳажмидаги SiO_2 заррачга эга намуналар тайёрланди. Шундан сўнг маълум бир режимда мазкур намуналар кобальт, марганец ёки хром легирланган. Технологик киришмаларни турли хил қисмларга ажратиш орқали кремнийдаги чуқур марказлар энергетик спектрига таъсири тадқиқ этилган.

Сигимли спектроскопия усули ёрдамида, $450-550^\circ\text{C}$ и $900-1200^\circ\text{C}$ температура оралиқларда, турли вақтларда монокристалл кремнийга олдиндан иссиқлик ишлови берилса, кислород преципитациясининг интенсив ҳосил бўлиши ва турли йиғилишлар ва 2-чи фаза чиқишлари (SiO_2 и SiO_4 заррачалари) уларнинг ўлчамлари эса 10-100 мкм ни ташкил этиши аниқланган.

DLTS ўлчаш ва унинг спектрларини, структуравий нуқсонларнинг ривожланиши ҳамда кислород ва углероднинг турли боғланган ҳолатларининг мавжудлиги- SiO_2 заррача, SiO_4 , CO_n ва бошқалар чуқур сатҳларнинг ҳосил бўлишига эффективлигига никель, марганец ва хромнинг таъсири таҳлил этилган. Технологик киришмаларнинг кремнийда боғланган ҳолатда мавжудлиги, масалан, SiO_2 парда Т-ионли киришмаларни кремнийнинг ҳажмига киришга тўсқинлик кўрсатиши ва кремний панжарасида SiO_2 заррачанинг мавжудлиги эса яримўтказгич тақиқланган зонасида ҳосил бўладиган чуқур марказлар эффективлигини ошириши аниқланган.



8-расм. n-Si<Mn> нинг кислород билан боғланган ҳолати намуналарининг DLTS спектри

DLTS ва ИҚ –ютилиш усуллари билан олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, 8-расмга кўра, Т-ионлар легирланган кремнийда чуқур сатҳлар концентрациясини камайиши ва киритилаётган киришманинг концентрацияга боғлиқ ҳолда оптик фаол кислород концентрациясининг N_0^{opt} 10-30% камайиши кузатилган.

Бу ўз навбатида Т-ионли киришмалар кислород атомлари билан ўзаро таъсирлашаётганидан далолат беради. Кремнийга 1100°C да 12 соат мобайнида ишлов берилса, кислород преципитацияси жараёнида SiO_2 заррача ҳосил бўлади. Бунда N_0^{opt} 45÷50% камайиши кузатилган.

Кремнийга кўшимча марганец, кобальт ёки хром атомлари киритилса, у ҳолда олдиндан 1100°C да 12 соатлик ишлов берилса оптик фаол кислороднинг концентрацияси N_0^{opt} на 8-10% камайиши кузатилган. Бу эса Т-ионларни SiO_2 заррача билан ўзаро таъсирлашуви билан боғлиқлиги тушунтирилган.

Структуравий тадқиқотлар натижаларига кўра, Т-ионли киришмалар киритилган кремний олдиндан юқори ҳароратли ишловдан ўтган бўлса, у ҳолда технологик ва махсус киритилган киришмалар атомларидан иборат катта йиғилмалар ҳосил бўлиши кузатилган.

Электрон микроскоп ва рентген топограммаси усуллари орқали кўшимча фаза (марганец силикати) Т-ионли кремний намуналарида марганец учун ноаниқ шаклдаги (ўлчами ~500 Å) ва зичлиги катта бўлган заррача кузатилган (9-расм).



9-расм. Марганец Si га 1200°C да 2 соат диффузия қилинганда ҳосил бўлган Mn-O типдаги заррача тасвири


“Т-ионлар ҳосил қилган чуқур марказларнинг ҳосил бўлиш жараёнига технологик киришмаларнинг ва турли хил ташқи факторлар таъсири” деб номланган бешинчи бобда махсус киритилган электрофаол ва электрофаол бўлмаган киришмаларнинг ўзаро таъсири, ҳамда нурланиш, бир тарафлама ва ҳар тарафлама босимларнинг таъсирлари ўрганилган.

Изовалент киришмалар (ИВК) – германий ва қалай атомларининг структуравий нуқсонларнинг ривожланишида Т-ионлар (Mn, Co, Cr) киришмалари билан ўзаро таъсири ҳам сиғимли спектроскопия ёрдамида ўрганилган.

Si<Ge> ва Si<Sn> (Т-ионлар киритилмаган) намуналарининг DLTS спектрларини ўлчашлар бирор бир чуқур сатҳ мавжуд эмаслигини кўрсатган, аммо нейтрон-активацион таҳлил натижаларига кўра, Ge ва Sn атомларининг миқдори етарлича катта $10^{17} \div 10^{19} \text{ см}^{-3}$ бўлишига қарамай, гермний ёки қалай атомлари кремнийда электр фаоллик кўрсата олмаслиги кўрсатилган. Демак, ўстиришда киритилган Ge ва Sn атомлари Si ҳажмида электронейтрал ҳолатда бўлар экан.

Ge ва Sn атомларининг Si панжарасида бўлиши нуқсонларни ҳосил бўлишига кескин таъсири, яъни изовалент киришмаларнинг мавжудлиги Si даги Т-ионларга тегишли чуқур сатҳлар ҳосил бўлиш эффективлигини ошириши аниқланган. Ge ёки Sn атомларининг Si панжарасида мавжудлиги термик нуқсонларнинг ҳосил бўлишига тўсқинлик кўрсатар экан.

Битта чуқур сатҳли кришмани иккинчи чуқур сатҳли киришмалар билан кремний сиртида диффузион қатлам ҳосил қилиб, уларнинг ўзаро таъсири натижасида геттерлаш эффекти содир бўлар экан, бу эса ўз навбатида электр фаол атомлар ва уларнинг тўлиқ концентрацияларини ўзгаришига олиб келар экан. Кремнийдаги никель киришмаси учун Fe и Mn қатламлари, темир киришмаси учун - Co, Ni, Mn и Sn қатламлари ва марганц киришмаси учун Au и Pt қатламлари геттер вазифасини бажарар экан. Авторадиография усули билан кремний сиртининг маълум қисмига металлдан локал қатлам суртилиб махсус киритилган электрофаол ва электрофаол бўлмаган Т-ионлар билан ўзаро таъсир туфайли кремний ҳажмидаги бошқариб бўлмайдиган киришмаларни унинг юза қисмига локал геттерлаш (10-расм, а ва б) кўрсатилган ва тажрибада аниқланган.



а

б

10-расм. ^{59}Fe киришмали кремний намуналарининг авторадиограммаси (1200⁰С да 2 соат ЮҲИБ орқали Si да Sn қатлами орқали Fe локал геттерлаш) (а) ва мазкур намуна сиртидан 10 мкм қалинликдаги қатлам олиб ташлангандаги авторадиограмма яъни Si ҳажмидан юза қисмига Fe ни локал геттерлаш (б)

Чуқур сатҳларнинг ўзаро таъсир характери кремнийга диффузион усул билан киришмаларни легирлаш кетма-кетлигига боғлиқлиги аниқланди. Никель билан аввал кремний легирланганда, кейин марганец киритилганда кремний ҳажмида Ni атомларининг тўлиқ концентрацияси камайши, тескари

тартибда яъни аввал Mn кейин Ni атомлари кремний киритилганда эса никель атомларининг тўлиқ концентрациясининг ошиши кузатилган.

Асосан уларнинг кинетик ҳосил бўлиши, кислороднинг фазавий ҳолатлари ва концентрацияси, кейинги турли хил иссиқлик ишлов бериш (юқори ҳароратли ишлов бериш ва паст ҳароратли ишлов бериш) ва совутиш тезликларига боғлиқлик факторлари аниқланди.

Бир пайтда Mn и Ni атомларини Si га диффузия усулида киритиш преципитатлар концентрациясининг ошишига ва уларнинг ўлчамларини камайшига олиб келар экан. Кетма-кет диффузия орқали аввал Mn кейин Ni атомлари кремнийга киритилганда ҳосил бўлган Mn комплекслари (силицидлар, силикатлар) учун марказ роли бажариб, диффузия усули кўшимча киритилаётган Ni ёрдамида катта преципитатларни ҳосил бўлишга олиб келар экан. Тескари кетма-кетликда диффузия жараёни амалга оширилганда эса кичик преципитатларни яъни никелни ўзини легирлаганда ҳосил бўладиган нуқсонларни ҳосил бўлиши аниқланди.

